

20-Iyun, 2026-yil

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ВА
ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИДА: ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛ**

Абдусаматов Азизхон Алимардон ўғли

Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ),

Оммавий ҳуқуқ факултети 2-босқич талабаси

Электрон почта: azizhonabdusamatov0@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг назарий-ҳуқуқий асослари, уларнинг шарқ сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидаги тарихий илдизлари ҳамда Янги Ўзбекистондаги замонавий ислоҳотлар контексти таҳлил қилинади. Тадқиқотда Низом ул-Мулkning «Сиёсатнома» асаридаги адолатли давлат бошқаруви ва фуқаролар ҳуқуқлари stretch концепцияси, шунингдек, XX аср бошидаги Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг миллий ҳуқуқий давлатчилик ва инсон кадр-қимматини юксалтириш борасидаги ғоялари қиёсий таҳлил этилган. Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга яратилаётган кенг имкониятлар, хусусан, Давлат раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида белгиланган стратегик вазифаларнинг мазкур тарихий мерос билан узвий боғлиқлиги оммавий ҳуқуқ призмаси орқали асослаб берилган. Мақола доирасида тарихий анъаналар ва замонавий конституциявий нормаларнинг интеграцияси ҳуқуқий методлар воситасида тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, Сиёсатнома, Низом ул-Мулк, Жадидлар, Беҳбудий, Фитрат, Янги Ўзбекистон, 2025 йилги Мурожаатнома, ёшлар сиёсати, адолат мезони, дуал таълим, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ҳуқуқий онг.

Кириш

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат замонавий демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони, балки инсоният цивилизацияси давомида шаклланган умуминсоний кадриятдир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли конституциявий ва институционал ислоҳотларнинг марказида «Инсон кадри учун» деган улуғвор детерминант тамойил мужассам. Бироқ, инсон ҳуқуқлари концепциясини фақатгина Евроцентризм (Ғарб) назариялари маҳсули сифатида талқин этиш тарихий ҳақиқатга мос келмайди. Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларинда инсон ҳуқуқлари, адолат ва ҳуқуқий тартибот масалалари жуда чуқур ва тизимли равишда ишлаб чиқилган.

Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, унда Якин ва Ўрта Шарқ давлатчилик мактабининг энг ёрқин намунаси бўлмиш Низом ул-Мулkning «Сиёсатнома» асари ҳамда миллий уйғониш даври ижодкорлари — Жадидларнинг ҳуқуқий қарашлари замонавий Ўзбекистоннинг ҳуқуқий модернизация жараёнлари, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва

20-Iyun, 2026-yil

Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидаги концептуал ғоялар билан синкретик тарзда қиёсланади. Мақолада оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат ва шахс муносабатлари, ёшларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларга берилаётган имкониятларнинг тарихий-генетик илдизлари очиб берилади.

Низом ул-Мулkning «Сиёсатнома» асарида давлат юшқариш масалалари алоҳида таҳлил этилгани, унинг бугунги кундаги аҳамиятини оширади. 13 асрда яшаб ўтган буюк давлат арбоби, Салжуқийлар вазири Низом ул-Мулк ўзининг «Сиёсатнома» (Сияр ул-мулк) асарида давлатнинг барқарорлиги ва қудратини бевосита подшоҳ ёки ҳокимларнинг фуқаролар (райат) ҳуқуқларини қай даражада ҳимоя қилиши ва жамиятда адолат мезонини қандай ўрнатиши билан белгилайди. Оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан, Низом ул-Мулк давлат органларининг ваколатларини чеклаш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш ғоясини илгари сурган.

Асарда инсон ҳуқуқлари ва қонунийликка оид бир неча муҳим концептуал қарашларни ажратиш мумкин:

Биринчидан, одил судлов ва қонун олдида тенглик масалалари. Низом ул-Мулк давлат раҳбарининг энг бош вазифаси сифатида ҳафтада икки кун шахсан ўзи оммавий қабул (мазлумлар арзини эшитиш) ўтказиши кераклигини таъкидлайди: *«Қозилар подшоҳнинг ноиблари (вакиллари)дир... агар бирор шахс даъво қилса, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто подшоҳга яқин амалдор бўлса ҳам, қози ҳузурига келиб, тенг туриши шарт»*. Бу замонавий процессуал ҳуқуқдаги «тарафларнинг тенглиги» ва «одил судловга эришиш» ҳуқуқининг тарихий асосидир.

Иккинчидан, давлат амалдорларининг ўзбошимчалигидан ҳимояланиш ҳуқуқи. Муаллиф солиқ йиғувчилар (омиллар) ва маҳаллий ҳокимларнинг халққа нисбатан зўравонлик қилишини давлатни ҳалокатга олиб келувчи бош омил деб билади. Агар амалдорлар фуқароларнинг мулки ёки шаънига тажовуз қилса, улар қаттиқ жазоланиши, мусодара қилинган мулклар эса эгаларига қайтарилиши шарт. Бу эса инсоннинг дахлсизлик ва мулк ҳуқуқини ижро ҳокимияти суиистеъмолидан ҳимоя қилиш кафолатидир.

Учинчидан, мурожаат қилиш эркинлиги институти. 2025 йил 26 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимизда инсон қадри, эркинлиги ва ёшлар истиқболи йўлидаги ислохотларни бутунлай янги — институционал босқичга олиб чиқди. Давлат раҳбари ўз нутқида: «Ватан манфаати, халқимиз манфаати — биз учун энг олий мақсаддир» дея алоҳида таъкидлади. Мазкур маъруза мазмуни Низом ул-Мулkning адолат концепцияси ва Жадидларнинг маърифий идеаллари билан бевосита мантиқан боғланади.

«Сиёсатнома»да халқ ва давлат раҳбари ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, ахборот алмашинувини таъминлаш учун махсус курьерлик ва разведка (барид) тизими таҳлил қилинади. Бундан мақсад — мамлакатнинг энг чекка ҳудудидаги оддий фуқаронинг овози ҳам марказга етиб боришини таъминлашдир. Бугунги

“O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS VA INNOVATSION JARAYONLAR JURNALI”

20-Iyun, 2026-yil

Ўзбекистондаги Виртуал ва Халқ қабулхоналари, ишонч телефонлари айнан мана шу тарихий заминнинг замонавий шаклидир.

Жадидчилик сиёсий-ҳуқуқий мафкурасида инсон эркинлиги, миллий маърифатпарварлик ғоялари устунлик қилган. XX аср бошида Туркистон ижтимоий-сиёсий майдонига чиққан Жадидлар (Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар) инсон ҳуқуқлари концепциясини миллий истиқлол ва демократик янгиланиш ғоялари билан боғладилар. Улар оммавий ҳуқуқ соҳасида туб бурилиш ясаб, давлат бошқарувини конституциявий асосга ўтказиш лойиҳаларини ишлаб чиқдилар.

Жадидлар таълимотида инсон ҳуқуқларининг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат бўлган бўлиб, биринчи навбатда таълим олиш ҳуқуқи — инсон озодлигининг пойдевори сифатида қаралган. Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг мақолаларида таъкидлаганидек, *«Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдур»*. Жадидлар фикрича, инсон ўз ҳуқуқларини англаши ва уларни ҳимоя қила олиши учун, энг аввало, саводли ва маърифатли бўлиши керак. Илмсизлик инсонни қулликка ва ҳуқуқсизликка маҳкум этади.

Иккинчидан, жадидлар хотин-қизларнинг маърифатли бўлишини илгари суришган. Менимча, аёл маърифатли бўлса, оила фаровонлиги, фарзандлар келажаги ҳам онанинг маънавий-маърифий дунёқарашига боҳлиқ бўлади. Шу боис ҳам, Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» (1914) асарида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берган. У аёлларнинг билим олиши, ижтимоий ҳаётда иштирок этиши ва оилада эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши зарурлигини шаръий ва дунёвий далиллар билан исботлашга уринган. .

Яна бир муҳим жараён, сиёсий ҳуқуқлар ва сайлов масалалари ҳа кенг таҳлил этилган демократик қарашлардир. Жумладан, жадидлар Туркистон мухторияти даврида илк бор умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамойилларини илгари суришди. Улар лойиҳалаштирган давлат тузумида инсонлар дини, миллати ва жинсидан қатъи назар тенг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиши шарт эди.

Тарихий анъаналар ва янги Ўзбекистон ислохотларини тизимли таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар сунъий равишда четдан олиб кирилган эмас, балки миллий тарихий тажрибамизнинг мантиқий давомидир.

Таҳлил қилувчи мезонлар	Низом ул-Мулк («Сиёсатнома»)	Жадидлар таълимоти (XX аср боши)	Янги Ўзбекистон конституциявий нормалари (2023 й. таҳрири)
Давлатнинг	Раиятни ҳимоя	Миллатни	Инсон қадр-

“O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS VA INNOVATSION JARAYONLAR JURNALI”

20-Iyun, 2026-yil

Таҳлил қилувчи мезонлар	Низом ул-Мулк («Сиёсатнома»)	Жадидлар таълимоти (XX аср боши)	Янги Ўзбекистон конституциявий нормалари (2023 й. таҳрири)
бош мақсади	қилиш, подшоҳнинг адолатини қарор топтириш.	ғофилликдан қутқариш, миллий мустақил давлат қуриш.	қимматини таъминлаш, «Инсон — жамият — давлат» тамойили.
Қонун устуворлиги	Ҳоким ва оддий фуқаронинг қози (суд) олдида тенглиги.	Қонун чиқарувчи парламент (Шўро) ва Конституция устуворлиги.	Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, Конституция тўғридан-тўғри амал қилувчи олий ҳужжат.
Хотин-қизлар ҳуқуқлари	Заифалар (аёллар) шикоятини алоҳида эътибор билан тинглаш лозимлиги.	Аёлларга билим бериш, уларни ижтимоий маҳкумликдан қутқариш.	Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш.
Аҳоли мурожаатлари	Подшоҳнинг ҳафтада 2 кун оммавий шикоятларни шахсан эшитиши.	Матбуот («Ойна», «Садои Туркистон») орқали миллат муаммоларини кўтариш.	Президент виртуал қабулхонаси, Давлат органларининг халқ олдида ҳисобдорлиги.

Жадидлар ўз даврида иқтидорли Туркистон ёшларини хорижга (Германия, Туркия ва б.) ўқишга юбориш, улардан замонавий кадрлар тайёрлаш учун маблағ йиғадиган «Кўмак» каби жамиятлар тузишган эди. Бугунги Янги Ўзбекистон давлат ёшлар сиёсати айнан мана шу эзгу ҳаракатнинг давлат даражасидаги стратегик давомига айланди.

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXVI боби бевосита оила, болалар ва ёшлар ҳуқуқий мақомига бағишланди. Мазкур бобнинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши қатъий белгилаб қўйилди. 2025 йилги Ўзбекистон президентининг Мурожаатномасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш давлат сиёсатининг марказида туриши алоҳида қайд этилди. Хусусан, аёлларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда хотин-қизларни тазйиқ ва

20-Iyun, 2026-yil

зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича маҳалла даражасида манзилли тизимлар белгиланди.

Мурожаатномада таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг узоқ муддатли асоси экани қайд этилиб, 2026 йилдан бошлаб тизимда инқилобий ўзгаришлар бошланиши эълон қилинди. Жадидларнинг ёш авлодни илғор хорижий технологиялар асосида ўқитиш ғояси бугун Мурожаатномадаги қуйидаги стратегик вазифаларда ўз аксини топди. Техникумларга замонавий қиёфа ва янги муҳит олиб кириш бўйича беш йиллик дастурлар тасдиқланди. Дуал таълим ва талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласида 2026 йилдан бошлаб техникумларда «дуал таълим» (ҳам ўқиш, ҳам ишлаб чиқариш амалиёти) асосида тахсил олаётган 100 минг ўқувчига илк бор давлат стипендиялари тўланиши белгиланди. «Аъло» баҳоларга ўқиётган, танлаган касбини пухта эгаллаётган ёшларга эса оширилган миқдордаги стипендиялар берилади.

Халқаро таълим стандартларига назар ташласак, тиббиёт тизимида ҳар бир ҳудудда биттадан техникумда Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби ривожланган давлатларнинг таълим дастурлари жорий этилиб, халқаро даражадаги, хорижий тилларни биладиган ҳамширалар таркиби шакллантирилади.

Бугунги кунда ёшлар учун яратилган имкониятларни қуйидаги тизимли йўналишларда таҳлил қилиш мумкин:

Таълим олиш имкониятлари ва рағбатлантириш масаласи муҳим бўлиб, олий таълим қамрови сўнгги йилларда 9 фоиздан 38 фоиздан оширилди. Жадидлар орзу қилган хорижда таълим олиш тизими бугун «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Эҳтиёжманд оилалардан бўлган талаба аёлларнинг магистратура босқичида ўқиши учун давлат томонидан шартнома пулларининг тўлаб берилиши — ижтимоий давлат тамойилининг амалий исботидир.

Иқтисодий ҳуқуқлар ва бандлик кафолатлари ҳам мавжуд бўлиб, «Ёшлар дафтари» тизими орқали юз минглаб йигит-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Конституциянинг 79-моддасида давлат ёшларнинг бандлиги ва иш билан таъминланиши учун шароитлар яратиши белгилангани оммавий-ҳуқуқий мажбурият ҳисобланади.

Шунингдек, инновация ва интилувчанлик масаласида Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларнинг илмий изланишлари учун шароит яратиш тизими шакллангани таҳсинга сазовор. ТДЮУ мисолида айтадиган бўлсак, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиши, халқаро даражадаги «Moot Court» (Суд жараёнлари симуляцияси) мусобақаларида иштирок этиши учун яратилган шароитлар ҳуқуқий маданият юксалаётганидан далолат беради. Амалиёт билан боғлиқлик эса, юридик клиника мисолида кўриш мумкин.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тарихий ривожланиш ва миллий давлатчилик анъаналаримиз билан чамбарчас боғлиқ. Низом

20-Iyun, 2026-yil

ул-Мулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида давлат аппаратини бошқаришда адолат ва раият манфаатларини устувор қўйган бўлса, Жади́длар бу ғояларни замонавий демократик-ҳуқуқий ва маърифий мезонлар билан бойитдилар.

Бугунги Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ушбу тарихий юксалишнинг энг юқори нуқтасидир. Ёшларга, хусусан, касбий ва олий таълим тизимида яратилаётган кенг имкониятлар, дуал таълимнинг жорий этилиши ва халқаро стандартларнинг олиб кирилиши нафақат уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлайди, балки мамлакатда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этувчи интеллектуал кучни шакллантиради. Кафолатланган ҳуқуқлар ва яратилган шароитлар ТДЮУ ва бошқа олий таълим муассасалари ёш авлоди зиммасига ҳам давлат ва жамият ривожини йўлида улкан масъулият юклайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2023.

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2021. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (2025 йил 26 декабрь) // Халқ сўзи. – 2025. – 27 декабрь.
3. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). / Форсчадан А.Қозонбиев таржимаси. – Тошкент: «Адолат», 1997. – 132 б.
4. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – 160 б.
5. Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: «Маънавият», 1998. – 112 б.
6. Муҳитдинова Ф. А. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик / – Тошкент: ТДЮИ, 2012.